

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.01.16-21 «ТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ЭСКИРИШИНИ
АНИҚЛАШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 8 августда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 270]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.01.16-21 «Турар жой объектларининг жисмоний эскиришини аниқлаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1996 йил 13 август 68-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.01.16-97 «Турар жой биноларни жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 15 июль,
01/2-31-сон
Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 27 июнь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 29 июнь

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 8 июль

ШНҚ 2.01.16-21 “Турар жой объектларининг жисмоний эскиришини аниқлаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) турар жой объектларининг жисмоний эскиришини аниқлашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари табиий офат вақтида зарар кўрган бино ва иншоотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормаларига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 1.04.01-22 “Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш ва мониторинг қилиш тартиби”;

ШНҚ 1.04.03-23 “Бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш”;

ШНҚ 2.02.01-19 “Бино ва иншоотларни заминлари”.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

турар жой объектлари – одамлар яшаши учун мўлжалланган бинолар, доимий яшаш учун уй-жойлар (хонадонлар), шунингдек вақтинча яшаш учун ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари;

бино – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими;

нуқсон – қурилиш элементини тайёрлаш, монтаж қилиш ёки фойдаланиш қоидалари ва техник шартларнинг бузилиши натижасида юзага келадиган носозликлар;

юк кўтарувчи конструкция – бино ёки иншоотларнинг юк кўтариш хусусияти ва унинг таъсирларини қабул қилувчи, мустаҳкамлигини, бикрлигини ва устуворлигини таъминловчи қурилиш конструкцияси;

четланиш (оғиш) – исталган техник кўрсаткичнинг ҳақиқий ҳолатини меъёрий, лойиҳа ҳужжатлари ёки техник жараёни таъминлаш талабларидан фарқи;

эскириш – узоқ муддатли табиий жараёнда, конструкцияга атроф-муҳитнинг, бинодаги технологик жараёнларга боғлиқ бўлган механик юклар таъсирида конструктив элемент ашёсининг физик-кимёвий таркибининг ўзгариш жараёни;

жисмоний эскириш – конструкцияларнинг, элементларнинг, инженерлик жиҳозлари тизимининг ҳамда бутунлай бинонинг емирилиши ва эскириши табиий-иқлим омиллар ва инсон ҳаёт фаолияти натижасида уларнинг дастлабки техник фойдаланиш сифатларининг (мустаҳкамлигини, барқарорлигини, ишончлилигини, эстетик кўринишини ва бошқаларни) йўқотишлари.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Алоҳида конструкцияларнинг, элементларнинг, инженерлик жиҳозлари тизимининг (бундан буён матнда тизим деб юритилдаи) ёки уларнинг қисмларини жисмоний эскириши ушбу ШНҚнинг 1-илоvasи 1–81-жадвалларида келтирилган қийматлар асосида, шунингдек кузатишва асбоб-ускуналар билан ўрганиш натижасида аниқланган жисмоний эскиришни солиштириш йўли билан аниқланиши лозим.

4. Конструкция, элемент, тизим ёки уларнинг қисми эскиришининг муайян оралиғидаги қийматларига мос келувчи барча белгиларга эга бўлганда, жисмоний эскириш даражасининг юқори чегарасига тенг қабул қилиниши керак.

5. Конструкцияда, тизимда ёки уларнинг қисмида бир неча эскириш белгиларидан фақат бири бўлганда жисмоний эскириш интервалининг қуйи чегарасига тенг деб қабул қилиниши лозим.

6. Мазкур ШНҚнинг 1-илоvasидаги жадвалларда келтирилган жисмоний эскиришнинг оралиқ қиймати фақат битта белгига мос келса, конструкция, элемент, тизим ёки унинг қисмининг жисмоний эскиришининг интерполяция бўйича мавжуд зарарланиш ўлчами ёки тавсифидан келиб чиқиб қабул қилиниши керак.

7. Конструкциялар, элементлар, тизимларнинг ва уларнинг турли даражада эскиришга эга бўлган қисмларининг жисмоний эскиришини қўйидаги формула орқали аниқлаш лозим:

$$\Phi_k = \sum_{i=1}^n \Phi_i \cdot \frac{P_i}{P_k} \cdot 100;$$

бу ерда:

Φ_k – конструкция, элемент, тизимларнинг жисмоний эскириши, %;

Φ_i – мазкур ШНҚнинг 1-илоvasидаги 1–81-жадваллари бўйича аниқланган конструкция, элемент, ёки тизим қисмларининг жисмоний эскириши, %;

P_i – шикастланган қисмнинг ўлчамлари (майдон ёки узунлик), m^2 ёки m ;

P_k – бутун конструкция ўлчамлари, m^2 ёки m ;

n – шикастланган қисмларнинг сони.

Бинонинг жисмоний эскиришини қўйидаги формула орқали аниқлаш керак:

$$\Phi_3 = \sum_{i=1}^n \Phi_{ki} \cdot l_i \cdot 100;$$

бу ерда:

Φ_3 – бинонинг жисмоний эскириши %;

Φ_{ki} – алоҳида конструкция, элемент ёки тизимнинг жисмоний эскириши;

l_i – алоҳида конструкция, элемент ёки тизимнинг тикланиш нархининг умумий тикланиш нархидаги тегишли улуш қиймати;

n – бинодаги алоҳида конструкциялар, элементлар, ёки тизимлар сони.

8. Бинонинг йириклашган конструктив элементларнинг тахминий ўртача улуш қийматлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ қабул қилинади.

9. Аниқланган жисмоний эскиришнинг келтирилган қиймати қуйидагиларга мувофиқ яхлитланиши лозим:

конструкция, элемент, тизимларнинг айрим қисмлари учун – 10 % гача;

конструкция, элемент, тизимлар учун – 5 % гача;

бино учун – 1 % гача.

10. Қатламли конструкциялар девор ва ёпмалар жисмоний эскиришини аниқлаш учун қуйидаги иккита усулдан фойдаланиш керак:

техник ҳолати бўйича мазкур ШНҚнинг 1-иловасидаги 15 ва 45-жадвалларига мувофиқ; конструкциянинг хизмат муддати бўйича ушбу ШНҚнинг 1-2-расмларга асосан.

11. Қатламли конструкцияларнинг жисмоний эскиришини фойдаланиш муддатига кўра қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$\Phi_c = \sum_{i=1}^n \Phi_i \cdot K_i \cdot 100;$$

бу ерда:

Φ_c – қатламли конструкциянинг жисмоний эскириши, %;

Φ_i – 1 ва 2 расм бўйича мазкур қатламли конструкциянинг фойдаланиш муддатига кўра аниқланадиган қатлам материалнинг жисмоний эскириши, % да;


K_i – ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ қатлам материали нархининг бутун конструкция нархига нисбати сифатида аниқланадиган коэффицент;

n – қатламлар сони.


12. Бутун бинонинг ички тизимининг жисмоний эскириши ушбу ШНҚнинг 1-иловасидаги 74–80-жадвалларга мувофиқ тизимни ташкил этувчи элементларнинг техник ҳолатини ўрганиш асосида аниқлаш лозим.

13. Фойдаланиш жараёнида тизимнинг айрим элементлари янгиси билан алмаштирилган бўлса, тизимнинг жисмоний эскиришини ушбу ШНҚнинг 3–7-расмларида келтирилган жадваллар бўйича айрим элементларнинг фойдаланиш муддати асосида ҳисоблаш йўли билан аниқланиши лозим.


14. Якуний баҳолаш учун қийматларнинг катгароғини олиш лозим.



1-расм. Қатламли конструкцияларнинг жисмоний эскириши (фойдаланиш муддати 60–125 йил)




2-расм. Қатламли конструкцияларнинг жисмоний эскириши (фойдаланиш муддати 10–50 йил)




3-расм. Ички иссиқ сув таъминоти тизимининг жисмоний эскириши

1. Иссиқ сув таъминотининг очик схемасидаги руҳланган қувурлар, 2. Иссиқ сув таъминотининг ёпиқ схемасидаги руҳланган қувурлар, 3. Иссиқ сув таъминотининг очик схемасидаги руҳланмаган қувурлар, аралаштиргичлар, сочиқ қуритгичлар, латунли ёпғич арматуралар, 4. Иссиқ сув таъминотининг ёпиқ схемасидаги руҳланмаган қувурлар, чўян ёпғич арматура




4-расм. Марказий иситиш тизимининг жисмоний эскириши

1-иссиқ сув таъминотининг ёпиқ схемасидаги чуян радиаторлар, 2-иссиқ сув таъминотининг очик схемасида чўян радиаторлар, ёпиқ схемасидаги тик қувурлар ва пўлат радиаторлар, 3-иссиқ сув таъминотининг ёпиқ схемасидаги магистраллар, 4-иссиқлик таъминотининг очик схемасида пўлат радиаторлар, тик қувурлар ва магистраллар, 5-ҳамма турдаги ёпғич арматуралар




5-расм. Ички сув йуллари тизимининг жисмоний эскириши

1-руҳланган сув қувурлар, 2-сопол ва чўян сув тўқувчи идишлар, 3-пўлат сув қувурлари, пластик сув қувурлари, кранлар ва латунли ёпқич арматуралар, 4-кранлар ва чўян ёпқич арматуралар



6-расм. Ички канализация тизимининг жисмоний эскириши

1-чўян сув қувурлари, чўян ванналар, 2-чўян ва зангламайдиган пўлатдан ювғичлар, раковиналар, 3-пўлат сув қувурлари, пўлат ванналар, сопол унитазлар, раковиналар ва қўлювгичлар, асбоцемент сув қувурлари, 4-эмалланган пўлатдан ювғич ва раковиналар, 5-пластик сув қувурлари



7-рассм. Ички электр жиҳозлари тизимининг жисмоний эскириши
 1-хоналар ичидаги ёпиқ тармоқлар, 2-хоналар ичидаги очик тармоқлар, 3-магистрал сув
 тақсимлагичлар, 4-электр асбоблар

15. Тизимнинг жисмоний эскириши элементларининг ўрта ҳисобдаги эскириш киймати сифатида аниқланиши керак.

16. Бинолар пойдевори заминидаги грунтларнинг чўкишида, уларнинг чўкувчанлик хусусиятлари ва девор ҳамда пойдеворларнинг грунт чўкишидан юк кўтарувчанлиги аниқланиши лозим.

Девор ва пойдеворларни мустаҳкамлаш бўйича таркиби ШНҚ 2.02.01-19га мувофиқ бўлиши лозим.

ШНҚ 2.01.16-21 “Турар жой объектларининг
жисмоний эскиришини аниқлаш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Пойдеворлар
Устунсимон ёғочли беркитувчи тахтали пойдеворлар

1-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Цоколнинг пардоз қатламининг бузилиши, кемтикларнинг заифлашуви	–	0 – 20	кемтикларни мустаҳкамлаш, пардоз қисмларини тиклаш
Цоколнинг горизонтал текисликдан оғиши, беркитувчи айрим тахталарнинг қийшайиши ва шикастланиши	шикастланиш умумий майдонга нисбатан 25 % гача	21 – 40	беркитувчи тахталарни саралаш
Беркитгичларнинг чириши, цокол қўйи қисмида мох ўсиши, тахталарнинг қийшайиши, устунларнинг юқори (тақалиш) қисмида майда шикастланиш белгилари	шикастланиш умумий майдонга нисбатан 50 % гача	41 – 60	беркитувчи тахталарни тўлиқ алмаштириш, устунларнинг тақалиш қисмларини таъмирлаш
Деворнинг горизонтал текисликдан оғиши, бинонинг айрим қисмларини чўкиши. Чириш, қуртлаш, беркитувчи тахталарнинг ва устунларнинг қисман бузилиши	–	61 – 80	тиркаш орқали устунларни ва беркитувчи тахталарни алмаштириш

Ихоҳ. Ушбу ШНҚ орқали ўрганиладиган шикастланишлар фоизларда аниқланади.

Устунсимон ғишт цоколли ёғочли пойдеворлар

2-жадвал

Эскириш белгилари	Микдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Цокол қисмида майда шикастланиш белгилари, дарзлар, маҳаллий ўйиқлар	шикастланиш умумий майдонга нисбатан 5 % гача	0 – 20	дарзларни беркитиш, ўйиқларни ямаш
Дарзлар, кемтиклар, айрим тошларнинг тушиши, цокол ва пойдевор устунларининг ерусти қисмида дарзлар, кемтиклар, айрим ғиштларнинг қулаши	шикастланиш умумий майдонга нисбатан 25 % гача	21 – 40	дарзларни беркитиш, цокол термасини ва пойдевор устунларининг ерусти қисмини таъмирлаш
Цоколда қийшайиш, кўпчиш ва дарзлар, устунларнинг ерустки қисмидаги ғиштларини тўкилиши, дарзлар, кемтиклар	дарзлар кенглиги 5 mm гача, цоколнинг кўпчиши унинг қалинлигидан 1/3 гача	41 – 60	цоколни алмаштириш. пойдевор устунларининг юқори қисмини таъмирлаш
Деворлар горизонтал чизиқларининг қийшайиши, айрим қисмларнинг чўкиши, дераза-эшик оралиқларида кемтиклар, цоколнинг тўлиқ бузилиши, устунлар термаси яхлитлигининг бузилиши	–	61 – 80	деворни тиркаш орқали пойдевор ва цоколни тўлиқ алмаштириш

Тасмасимон ғишт-тошли пойдеворлар

3-жадвал

Эскириш белгилари	Микдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Цокол ва биринчи қават деразалари остида майда дарзлар	дарзлар кенглиги 2 mm гача	0 – 20	дарзларни беркитиш
Цокол ва деворларда алоҳидаги чуқур дарзлар, намланиш излари, ертўла деворларининг айрим	дарзлар кенглиги 5 mm гача	21 – 40	ғишт термасини мустаҳкамлаш, горизонтал ҳимоя қисмини таъмирлаш

қисмларининг кўпчиши, пойдеворнинг нотекис чўкиши			
Цоколнинг кўпчиши ва сезиларли даражада қийшайиши, бинонинг бутун баландлигига қадар ривожланаётган цокол калинлигини кесиб ўтувчи дарзлар, полларнинг ҳамда ертўла деворларининг кўпчиши	деворларнинг узунлигидан 0,02 ha қадар умумий қийшайиши билан нотекис чўкиши	41 – 60	терманинг айрим қисмларини алмаштириш ва мустаҳкамлаш, горизонтал ва вертикал гидрохимояларни тиклаш, горизонтал бикрловчи камарларни ўрнатиш
Бинонинг бутун баландлиги бўйича оммавий фаоллашаётган, девор калинлигини кесиб ўтувчи ёриқлар, грунтнинг сезиларли даражада горизонтал текислик бўйича деформацияланиши ва ертўла деворларининг нураши	деворларнинг узунинг узунлигидан 0,02 % қадар салқилиги	61 – 80	пойдеворни тўлиқ алмаштириш

Йирик блокли тасмасимон пойдеворлар

4-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Цоколда майда дарзлар, цокол ва деворларнинг сувоқ қатламида маҳаллий шикастланиш ҳолати	дарзлар кенглиги 1,5 mm гача	0 – 20	дарзларни тўлдириб текислаш
Блокларнинг чокларида дарзлар, ертўла деворларида шўрланиш ва намланиш излари	дарзлар кенглиги 2 mm гача	21 – 40	блокларнинг чокларини тўлдириш, ертўла деворлари сувоқларини таъмирлаш, вертикал ва горизонтал намликдан химоя қатламларини таъмирлаш

Дарзлар, блокларнинг қисман бузилиши (арматурагача), блок чокларидаги қоришмаларнинг ишқорланиши, цокол ва ертўла деворларида намланиш излари	дарзлар 2 mm дан ортиқ, чуқурлиги 10 mm дан ортиқ	41 – 60	чоклар оралиғи ва бузилган блокларни тузатиш, намликдан ҳимоялаш қатламларни тиклаш, баъзи жойларда пойдеворни кучайтириш
Блокларнинг оммавий шикастланиши ва бузилиши, бинонинг бутун баландлигида девор қалинлигини кесиб ўтувчи фаоллашаётган ёриқлар, ертўлада грунтнинг сезиларли даражада горизонтал текислик бўйича деформацияланиши	–	61 – 80	пойдеворни тўлиқ алмаштириш

Устунсимон қозикли ҳамда тошли, бетонли, темир-бетонли ва ҳарсанг тошбетонли пойдеворлар

5-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Бинонинг цокол қисмидаги дарзлар	дарзнинг кенглиги 1,5 mm гача	0 – 20	дарзни тўлдириб текислаш
Чўкиш деформациясининг катталаниш белгиларисиз цокол текислигининг горизонталдан оғиши	эгилиш қиймати девор узунлигининг 0,01 нисбатигача бўлган нотекис чўкиш	21 – 40	дарзларни тўлдириб текислаш, цоколнинг пардоз қатламларида зарарланган қисмини баргараф этиш
Цоколда бинонинг бутун баландлиги сатҳида ёйилган девор қалинлигини кесиб ўтувчи ёриқлар, деворларнинг айрим қисмларини қийшайиши ва сезиларли даражада чўкиши	ёриқларнинг очилиш кенглиги 10 mm гача, эгилиш қиймати девор узунлигининг 0,01 нисбатидан ортиқ бўлган нотекис чўкиш	41 – 60	пойдевор ва деворни кучайтириш
Бинонинг деворида девор қалинлигини кесиб ўтувчи	–	61 – 80	пойдевор ва деворни тўлиқ алмаштириш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
ёриқларнинг ривожланиши, пойдеворнинг деформация натижасида бузилиши			

**Блокли ва йирик блокли темир-бетон пойдеворлар
темир-бетон боғловчи камарлари**

6-жадвал

Эскириш белгилари	Мазкур илованинг 4-жадвалига қўшимча тарзда пойдеворларнинг жисмоний эскириши %
Боғланиш тугунларида кенглиги 1 mm гача бўлган майда дарзлар, умумий майдоннинг 20 % гача бўлган қисмида пардоз қатламининг алоҳидаги шикастланганлик белгилари	10
Боғланиш тугунларида кенглиги 1 mm гача бўлган майда дарзлар, умумий майдоннинг 20 % дан ортиқ қисмида пардоз қатламининг алоҳидаги шикастланганлик белгилари	15
Боғланиш тугунларида ва камар сиртида кенглиги 2 mm гача бўлган дарзлар, бетон сиртида чуқурлиги 10 mm гача бўлган ўйиқлар	20
Бетоннинг ҳимоя қатламининг қатламланиши, ўрганилган майдоннинг 50 % гача майдонда дарзларнинг мавжудлиги, алоҳида қисмларнинг деформацияланиши	30
Дарзларнинг кенглиги 2 mm гача, ҳимоя қатламининг қатламланиши, арматуранинг очилиб қолиши, баъзи жойларда коррозия қатлами ҳамда стерженларнинг ўзилиши	40

Деворлар
Йиғма тўсиқли ёғоч деворлар

7-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Тўсиқнинг ташқи қопламасида майда шикастланиш белгилари	шикастланиш 10 % гача майдонда	0 – 10	айрим тахталар ва рейкаларни муштаҳкамлаш
Сувни ташқарига оқизувчи тахтани, ички деворларнинг бурчак ва чокдаги тахталарининг чириши	20 % гача	11 – 20	сувни ташқарига оқизувчи тахтани алмаштириш, бурчак ва чокларни тахта билан беркитиш
Деворларнинг бироз қийшайиши, тўсиқнинг қўйи қисмини ва боғламасини чириши, тўсиқлар туташган жойларда тирқиш ҳосил бўлиши	25 % гача	21 – 30	баъзи жойларда қўйи боғланишни ва тўсиқларни таъмирлаш, тўсиқлар оралиғидаги чокларни тўлдириш
Деворда жиддий оғиш, тўсиқлар оралиғидаги вертикал чокларда тирқиш ҳосил бўлиши, тўсиқларнинг нотекис чўкиши, ёғочларнинг чириши	30 % гача	31 – 40	баъзи жойларда қўйи боғланиш ва тўсиқлар қисмларини алмаштириш, тўсиқлараро боғланишни муштаҳкамлаш
Деворларнинг жиддий оғиши, кўчиш, вертикалдан оғиш, ёғочларнинг чириши, хонада юқори даражадаги намлик	шикастланиш 30 % дан ортиқ майдонда	41 – 50	тўсиқларнинг бир қисмини таъмирлаш, боғловчи ва қопламаларни алмаштириш
Дераза, эшик оралиқларида қийшайиш кузатилади, деворларнинг деформацияланиши, ёғочларнинг чириши, намланиши	–	51 – 60	50 % гача эски материаллардан фойдаланиб, ёғоч тўсиқларни алмаштириш ёки айрим тўсиқларни олиб ташлаш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Деворларнинг деформацияланиши, ёғочларнинг чириши, хоналарда захлаш натижасида ҳарорат намлик мерёрининг бузилиши, вақтинчалик маҳкамловчи элементлар ва тамбаларнинг мавжудлиги	–	61 – 70	тўсиқларни тўлиқ алмаштириш

Синчли ёғоч деворлар

8-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Қоплама ёки сувоқнинг сезиларсиз шикастланиши	–	0 – 10	дарзларни тўлдириб текислаш ёки қопламаларни таъмирлаш
Деворда елвизак ёки музлаш белгилари, қопламанинг зарарланиши ёки бурчак қисмларда сувоқ кўчиши	шикастланиш белгилари 10 % гача бўлган майдонда	11 – 20	исиқлик қатламини кўшиш, бурчак қопламаларини таъмирлаш
Баъзи жойларда сувоқнинг уваланиб кетиши, айрим тахталарнинг тоб ташлаши ва зарарланиши, кўйи қисмининг чириши	20 % гача	21 – 30	айрим тахталарни алмаштириш, қопламани ва сувоқни таъмирлаш
Қопламани тоб ташлаши ва жойларда кўчиши, сувоқ кўчиши	40 % гача	31 – 40	янги материал кўшиб сувоқларни таъмирлаш ёки қопламани саралаш, кўйма тахталарда алмаштириш ва бурчакларни ёпиш тўсиқлараро боғланишни мустаҳкамлаш

Эскириш белгилари	Микдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Сувоқнинг оммавий кўчиши ёки ёғочларда чириш ва қопламанинг кўтарилиши	50 % гача	41 – 50	девор қопламасини ва сувоқни янгилаш
Девор, дераза-эшик кесакисининг оғиши; ташқи қопламанинг ва сувоқнинг шишиши, тахталарнинг кўтарилиб қолиши	шикастланиш белгилари 50 % дан ортиқ бўлган майдонда	51 – 60	юқори ва пастки боғловчиларни ҳамда тиргак ва оғмаларнинг учларини алмаштириш
Синчнинг жиддий зарарланиши, чириши, қопламанинг тўлик бузилиши	–	61 – 70	деворни тўлик алмаштириш

Чопилган ва чорқирра ходадан деворлар

9-жадвал

Эскириш белгилари	Микдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Қоплама ёки чоклардаги тўлдиргичларнинг зарарланиши	–	0 – 10	қопламани таъмирлаш жойларда чокларни тўлдириш
Деворларнинг ташқи қопламаларида ёки сувоқда дарзлар; чоклардаги тўлдиргичнинг бузилиши; ёғоч безакларнинг четлаб кетиши	шикастланиш белгилари 10 % гача бўлган майдонда	11 – 20	ташқи қопламани материал кўшиб саралаш, қўйма тахтани алмаштириш, бурчакларни беркитиш девор чокларини тўлдириш, бурчаклар қопламаларини таъмирлаш
Олд фасад горизонтал чизигининг қийшайиши, қўйи қуйилма безаклар даражасида ва ром ости тахталарида намланиш излари ва чириш; ташқи қопламанинг бузилиши ёки сувоқда дарз	20 % гача	21 – 30	безаклар қўйилмасини, ўрни билан карниз безакларини ҳамда ром ости кесимини алмаштириш, қоплама ёки сувоқни таъмирлаш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Деворлардан шамол ўтиши ва музлаши, безакда чуқур дарзлар ва қисман чириш	–	31 – 40	девор қопламаларини қисман алмаштириб мослаш
Деворнинг кўчиши, нотекис чўкиш ва букилишлар, эшик ва ром ёнбошининг оғиши, бурчакларнинг чўкиши ва чириши	деворнинг текисликдан чиқиши ½ қалинликкача	41 – 50	деворларни янги материал қўшиш билан қисман алмаштириш
Деворларнинг деформацияси, безакларнинг чириши ва дарзлар билан зарарланиши	40 % гача майдонни зарарланиш	51 – 60	деворларни эски материаллардан фойдаланиб тўла саралаш
Кесма ходалар бикрлигининг тўлиқ бузилиши, дарзлар ҳосил бўлиши, чириши	–	61 – 70	деворни тўла алмаштириш

Ташқи ғишт қопламали, кесилган ёғоч ғўлали, синчли ва чорқирра ғўлали деворлар

10-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Айрим дарзлар ва ўнқир-чўнқирлар	шикастланиш белгилари 10 % гача бўлган майдонда	0 – 10	дарзлар ва ўнқир-чўнқирларни ямаш
Ғишт термаси чокидаги дарзлар	15 % гача майдонда ўлчами 2 mm ли дарзлар	11 – 20	дарзларни ямаш
Баъзи жойларда қопламаларнинг кўчиши, ғишт термаси чокларида қоришманинг эрозияси, дарзлар	шикастланиш 20 % гача майдонда	21 – 30	қопламаларни таъмирлаш ва алмаштириш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Сувоқларнинг оммавий тарзда кўчиши, кўчиб тушиши ёки чокларда қоришманинг эрозияси, айрим ғиштларнинг тўкилиши, безакларнинг қисман чириши, ёғочларнинг намланиши	шикастланиш белгилари 50 % гача бўлган майдонда	31 – 40	ғишт қопламаларини ва безакларини алмаштириш
Нотекис чўкиш ва сувоқларнинг кўчиши; эшик ўрни ёнбошининг оғиши; қопламалар ғишт термасининг қисман нураши; баъзи ёғочлар қўйилмаларнинг чириши ва жойлаштирилган безакларнинг чириши		41 – 50	ғишт қопламаларини алмаштириш, қўйилмалар ва айрим юқори жойлашган безакларни алмаштириш
Термадан ғиштларнинг нураши, нотекис чўкиш, ёғочларнинг чириши	–	51 – 60	қисман эски материаллардан фойдаланган ҳолда қоплама ғиштларини ва деворини алмаштириш
Қопламанинг бузилиши, ёғочларнинг чириб кетганлиги	–	61 – 70	деворни тўлиқ алмаштириш

Ғишт деворлар

11-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Айрим дарзлар ва ўнқир-чўнқирлар	дарз кенглиги 1 mm гача	0 – 10	дарзлар ва ўнқир-чўнқирларни ямаш
Чуқур дарз ва жойларда сувоқларнинг кўчиши, чокларнинг эрозияси	дарзлар ўлчами 2 mm гача, чуқурлиги девор қалинлигидан 1/3 гача, нураш чуқурлиги 10 % гача майдонда чуқурлиги 1 см гача	11 – 20	сувоқлар таъмири ёки чокларни тўлдириш, фасадни тозалаш

Эскириш белгилари	Микдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Девор, карниз ва сарбасталар сувоқларининг кўчиши ва тушиб кетиши; чокларнинг эрозияси; ғишт термасининг кучсизланиши; айрим ғишларнинг нураши; карниз ва сарбасталарда дарзлар; деворлар сиртининг намланиши	30 % гача майдонда чокларнинг 2 см чуқурликда нураши; дарзнинг кенглиги 2 mm гача	21 – 30	сувоқ ва ғишт термасининг таъмири, чокларни ёпиш, фасадни тозалаш, карниз ва сарбасталарни таъмирлаш
Сувоқнинг оммавий кўчиши; чокларнинг эрозияси; деворлар ғишт термасининг кучсизланиши, карниз ва сарбасталарда айрим ғишларнинг нураши, шўрланиш, намланиш белгилари	50 % гача майдондаги чокларда чуқурлиги 4 см гача бўлган эрозия	31 – 40	деворлар, карнизлар ва сарбасталарнинг шикастланган қисмларини таъмирлаш
Равоқларда, ром ости кесимида очиқ дарзлар, ғишларнинг кўчиши, вертикалдан қисман чекиниш ва деворнинг кўчиши	хона чегарасида деворларнинг вертикалдан оғиши баландликнинг 1/200 нисбатидан кўп, деворда эгилиш деформацияланган қисмининг 1/200 узунлигигача	41 – 50	деворларни камарлар, тасмалар, тўсин ва бошқалар билан маҳкамлаш, эшик-ромлар оралиғини кучайтириш
Термадан оммавий фаоллашувчи девор қалинлигини кесиб ўтувчи ёриқлар, терманинг кучсизланиши ва қисман бузилиши, деворларнинг сезиларли қийшайиши	–	51 – 60	деворларни 50% гача қайта териш, бошқа қисмларини кучайтириш ва мустахамлаш
Жойларда ғишт термасининг қулаши	–	61 – 70	деворни тўлиқ алмаштириш

Сопол блоклар ва плитачалар, мрамар плиталар билан қопланган ғишт деворлар

12-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Кам сонли майда дарзлар ва сополда маҳаллий чуқурчалар	дарз кенглиги 1 mm гача	0 – 10	дарз ва чуқурчаларни ямаш
Эшик ўрни қиясида дарзлар, фасадда қопламанинг кўчиши ва айрим блок ёки плиталарнинг тўкилиши	дарзнинг кенглиги 1 mm дан кўпроқ	11 – 20	суyoқ цемент юбориш (инекциялаш) қопламани мустаҳкамлаш ва тўкилган плиталарни тиклаш
Термадаги қопламанинг кўчиши, чокларда дарзлар, қопламасиз жойларда намланиш	чокларда кенглиги 2 mm гача дарзлар, 20 % майдонда плитачаларнинг тўкилиши	21 – 30	плитачаларни алмаштириш ва қопламаларни мустаҳкамлаш, ғишт термаси сиртидаги дарзларни таъмирлаш билан ямаш
Қопламаларнинг тўкилиши, ғишт термасида дарзлар, чокларда эрозия белгилари, қопламасиз жойларда шўрланиш ва ғишт термасида намланиш излари, айрим сарбасталарда дарзлар	20 % дан кўпроқ майдонда қопламаларнинг тўкилиши, ғишт термасида кенглиги 2 mm дан ортиқ дарзлар	31 – 40	тўкилган қопламаларни алмаштириш, ғишт термаси юзасидаги дарзларни таъмирлаш билан ямаш, эшик, ромлар орасини 5 m ³ гача қайта териш
Ғишт термаси ва сарбасталарда дарзлар, карниздан айрим ғиштларнинг кўчиши, қопламаларнинг оммавий тўкилиши, намланиш излари	ғишт термасида дарзларнинг чуқурлиги 0,5mm девор қалинлигида, равоқларда кенглиги 2 mm дан ортиқ дарзлар	41 – 50	ғишт термидаги дарзларни ямаш, карнизларни қайта териш, эшик дераза оралиғини кучайтириш, деворларни металл тортқилар билан мустаҳкамлаш, тўкилган қопламаларни алмаштириш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Қопламаларнинг тўлик тўкилиши, ғишт терими ва сарбасталарда ривожланувчи дарзлар, ғишт термасида ғиштларнинг кўчиши, деворларнинг сезиларли даражада қийшайиши, деворларнинг айрим қисмлари боғланишининг кучсизланиши	хона чегарасида деворларнинг вертикалдан оғиши унинг баландлигидан 1/200 дан кўпроқ	51 – 60	деворларни кучайтириш ва мустаҳкамлаш, сарбасталарни ва қопламаларни алмаштириш
Ғишт теримининг оммавий бузилиши	–	61 – 70	деворларни тўлик қайта териш

Майда блоклардан сунъий ва табиий тошли деворлар

13-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Айрим дарзлар ва ўйиқлар	шикастланиш белгилари 5 % гача бўлган майдонда	0 – 10	дарзларни ва ўйиқларни ямаш
Чокларда эрозия белгилари ёки сувоқнинг баъзи жойларида дарзлар, металл қўйилмаларнинг очиқ жойларида занглаш белгилари	10 % гача	11 – 20	сувоқдаги чокларни ёки дарзларни тўлдириш, чиқув қисмларига ишлов бериб таъмирлаш
Терманинг айрим чокларида эрозия белгилари, чокларда дарзлар ёки жойларда сувоқларнинг кўчиши, терма қирраларининг синиши, карнизда чуқур дарзлар	дарзлар кенглиги 5 mm гача	21 – 30	чокларни текислаш, сувоқ ва карнизларни таъмирлаш
Карнизда чуқур дарзлар ва тошларнинг нураши, чоклар ва тош	чокларда 2 см чуқурликкача чуқурликкача нураш, 20	31 – 40	карнизларни қайта териш, термани

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
термасининг ҳамда чокларнинг оммавий эрозияси, сувоқларининг кўчиб тушиши	% гача майдонда зарарланиш		кучайтириш, сувоқлар таъмири
Сарбасталарда, карнизларда ва бурчакларда очик дарзлар ва тошларнинг нураши, вертикалдан сезиларли даражада оғиш ва деворнинг айрим қисмларининг бўртиб чиқиши	вертикалдан хона баландлигидан 1/200 гача оғиш, деформацияланган қисмнинг узунлигидан 1/200 гача бўртиб чиқиш	41 – 50	деворларнинг айрим қисмларини мустаҳкамлаш, сарбаста ва карнизларни алмаштириш
Дераза-эшик ораларида вертикал дарзлар, жойларда терманинг бузилиши ва қатламли кўчиши, терманинг айрим қисмларида боғланишларнинг бузилиши	–	51 – 60	эшик, деразалар аро деворларни мустаҳкамлаш ва деворларнинг айрим қисмларини қайта териш
Терманинг оммавий равишда бузилиши, вақтинчалик маҳкамлаш элементларининг мавжудлиги	–	61 – 70	деворларни тўлик қайта териш

Йирик ўлчамли блокли бир қатламли юк кўтарувчи панелли деворлар

14-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Фасаднинг бўртиб чиққан жойлари қопламаларининг бузилиши, айрим майда ўйиқлар, дарзлар	5 % гача майдонда	0–10	ўйиқлар ва дарзларни ямаш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Сиртки қатламда жойларда ўйиқлар, занглаш маҳсули, ташқи пардознинг ифлосланиши ва рангининг ўчиши	30 % гача майдонда	11 – 20	ўйиқларни ямаш, сиртки қатламни таъмирлаш
Чокларнинг тақалиш жойларида қорихша кўчиши ва эрозияси, бино ичида чоклардан намликнинг ўтиши, музлаш ва чокларнинг очилиб қолиши	хонада 5 % гача майдонда чакки ўтиши, дарзларнинг кенглиги 2 mm гача	21-30	чокларни беркитиш, дарзларни ямаш
Чуқур очилган киришиш дарзлари, чокларнинг тақалиш жойларида қорихша эрозияси, доимий равишда намлик ўтиши белгилари, мўзлаш ва чокларнинг очилиб қолиши	дарзларнинг кенглиги 3 mm 20 % гача майдоннинг зарарланиши, хоналарнинг 20 % да намлик ўтиши ва музлаш белгилари	31 – 40	чокларни очиш, зичлаш ва ораликларни бекитиш
Дераза плиталари ва соябонлар ўрнатилган жойларда дераза, эшиклар ораси бурчаклари бўйича диагонал дарзлар, сарбасталар бўйича вертикал дарзлар	дарзларнинг очилиш кенглиги 3 mm гача	41 – 50	эшик дераза ораликларини ва равоқларни кучайтириш
Чоклар ва сарбасталарнинг туташув жойларида вертикал дарзларнинг кенг очилиши, деворларнинг айрим қисмларида боғланишнинг бузилиши	дарзларнинг кенглиги 3 mm дан, узунлиги 3 m дан ортиқ	51 – 60	айрим қисмларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Деворнинг горизонтал ва вертикал бўйлаб сезиларли қийшайиши, блок ва панелларнинг оммавий бузилиши	деворларнинг бўртиб чиқиши деформацияланган қисм узунлигидан 1/200 дан, вертикалдан оғиш хона доирасида девор баландлигидан 1/100 дан кўпроқ	61 – 70	деворни алмаштириш

Қатламли темирбетон панелли деворлар

15-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Панел пардозларнинг қисман зарарланиши, киришишдан дарзлар, ўйиқлар	10 % гача майдонда зарарланиш, дарзнинг кенглиги 0,3 mm гача	0 – 10	дарзларни, ўйиқларни ямаш
Сиртқи қатламда ўйиқлар, занглаш маҳсули излари	15 % гача майдонда зарарланиш	11 – 20	ўйиқларни, ямаш сиртқи қатламни таъмирлаш
Чокларда қоришманинг кўчиши, ташқи юзада дарзлар, хоналарда ёғин сувларининг сизиб ўтиши излари	дарзнинг кенглиги 1 mm гача, 10 % гача майдонда намликнинг ўтиши	21 – 30	чокларни беркитиш, айрим том қопламаларни қайта тиклаш билан дарзларни ямаш
Дарзлар, ўйиқлар, бетон химоя қатламининг кўчиши, баъзи жойларда ёғин натижасида намланиш ва музлаш белгилари	дарзнинг кенглиги 2 mm гача, 20 % гача майдонда зарарланиш	31 – 40	химоя қатламини тиклаш, чокларни бекитиш, дарзларни ямаш, зарарланган чокларни совуқ ўтмайдиған қилиш
Дераза ва эшик оралиғида горизонтал ва сарбастларда вертикал дарзлар, бетон қатламининг бўртиб чиқиши, панеллардан	дарзнинг кенглиги 3 mm, бўртиб чиқиш панеллар таянч қисми билан оралиқ	41 – 50	айрим эшик ва деразалараро деворлар ҳамда сарбастларни маҳаллий кучайтириш, дарзларни ямаш, чокларни бекитиш,

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
намликнинг ўтиши ва уларни музлаши	масофанинг 1/200 гача		деворларнинг айрим қисмларини совуқ ўтмайдиган қилиш
Эшик ва деразалараро деворлар ҳамда сарбасталарда дарзлар, кучайтиргичнинг бузилиши, намликнинг ўтиши ва музлаши	дарзнинг кенглиги 3 mm дан ортиқ	51 – 60	иситкич қатламни алмаштириш ва сарбасталар, эшик ҳамда деразалараро деворларни кучайтириш, чокларни бекитиш ва дарзларни ямаш
Иситкич қатламида оммавий дарзлар ва деформацияланиш, бузилиш ва чўкиш, панеллардан намликнинг ўтиши ва уларни музлаши	–	61 – 70	панелларни алмаштириш

Юк кўтарувчи панелли деворлар

16-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Фасаднинг чиққан қисми безакларининг зарарланиши, майда ўйиқлар	5 % гача майдонда зарарланиш	0 – 10	ўйиқларни ямаш
Дарзлар, чоклардаги қоришмаларнинг эрозияси, қопламани ёки сиртки қатламнинг майда зарарланиши, бинонинг ичига туташ жойлардан намликнинг сизиб ўтиши белгилари	15 % гача	11 – 20	қопламаларни таъмирлаш ва чокларни бекитиш
Чок ораликларидаги қоришманинг оммавий қатламланиб кўчиши, панелларнинг сиртки қатламлари	20 % майдонда зарарланиш	21 – 30	қопламаларни ёки сиртки қатламни таъмирлаш, чок ораликларини беркитиш

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
ва қопламаларнинг шикастланиши шикастланиши, бинонинг ичида намликнинг сизиб ўтиши белгилари			
Деворларнинг музлаши, чок оралиғидаги қоришманинг бузилиши	хонани 5 % гача қисмининг музлаши	31 – 40	чок оралиқларини таъмирлаш ва беркитиш, деворларни кучайтириш
Хонанинг ичига намликнинг сизиб ўтиши белгилари, шўрланиш	хоналарда зарарланиш 10 % гача, майдонда ташқи зарарланиш 30 % гача	41 – 50	қопламаларни алмаштириш, баъзи жойларда панелларни таъмирлаш
Панелларнинг бўртиб чиқиши ёки силжиши, панелларнинг маҳкамловчи тугунларининг бузилиши	панелларнинг эгилиши узунлигининг 1/200 нисбатигача	51 – 60	панелларни тўғрилаш ва маҳкамлаш, тутувчи панеллар конструкциячи билан қўшимча боғланмалар ўрнатиш
Деворлар деформацияси, панелларнинг силжиши, панелларда маҳкамлаш тугунларининг бузилиши	панелларнинг эгилиши узунлигининг 1/200 нисбатдан ортиқ	61 – 70	панелларни тўлиқ алмаштириш ва синчни мустаҳкамлаш

Темир-бетон арматуралари

17-жадвал

Эскириш белгилари	Мазкур илованинг 11-15 жадвалларига қўшимча деворларнинг жисмоний эскириши %
Тақалиш тугунларида кенлиги 1 mm гача бўлган майда дарзлар, текширилган сиртнинг 20 % гача қисмида алоҳидаги шикастланиш белгилари	10

Эскириш белгилари	Мазкур илованинг 11-15 жадвалларига қўшимча деворларнинг жисмоний эскириши %
Тақалиш тугунларида кенглиги 1 mm гача бўлган майда дарзлар, текширилган сиртнинг алоҳидаги шикастланиш белгилари 20 % дан ортиқ қисмида	15
Тақалиш тугунлари ҳамда ташқи юзада кенглиги 2 mm гача бўлган майда дарзлар, бетон сиртида чуқурлиги 10 mm гача уйиқлар, жойларда ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши	20
Текширилган юзанинг 50 % гача майдонда ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши ва дарзлар, айрим қисмларнинг деформацияланиши	30
Кенглиги 2 mm гача дарзар, ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши, айрим жойларда коррозия маҳсули, алоҳидаги стерженларнинг узилиши	40
<i>Изоҳ: Темир-бетон арматуралари қурилган деворларнинг жисмоний эскиришини аниқлашда 11 – 15 - жадвалларда аниқланган жисмоний эскириш қийматиға мазкур жадвалда келтирилган мос равишдаги эскириш белгилари орқали аниқланган қийматлар қўшилади. Қийматларни қўйиши деворнинг умумий улуш қийматиға нисбатан ҳисобланган мазкур элемент улушиға мос равишда ҳисобланади.</i>	

Зилзилага қарши камарлар

18-жадвал

Эскириш белгилари	Мазкур илованинг 11-16 жадвалларига қўшимча деворларнинг жисмоний эскириши %
Тақалиш тугунларида кенглиги 1 mm гача майда дарзлар, сиртки қатламда барча текширилган юзаларнинг 20 % гача майдонда айрим бузилишлар	10
Тақалиш тугунларида кенглиги 1 mm гача майда дарзлар, сиртки қатламда барча текширилган юзаларнинг 20 % дан ортиқ майдонда айрим бузилишлар	15
Тақалиш тугунларида ва камар сиртида кенглиги 2 mm гача дарзлар, бетон сиртида 10 mm гача бўлган чуқурликда уйиқлар, жойларда ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши	20

Эскириш белгилари	Мазкур илованинг 11-16 жадвалларига қўшимча деворларнинг жисмоний эскириши %
Барча текширилган юзаларнинг 50 % гача майдонида бетон ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши ва дарзлар, айрим қисмларнинг деформацияси	30
Кенглиги 2 mm гача дарзлар, ҳимоя қатламининг қатламланиб кўчиши, арматураларнинг очилиб қолиши, баъзи жойларда занг излари, айрим стерженларнинг узилиши	40
<i>Изоҳ: Зилзилага қариш камарга эга бўлган деворларнинг жисмоний эскиришини аниқлаш вақтида 11 - 16 жадвалларда берилган деворларнинг жисмоний эскириши қийматига жадвалдаги белгига тегишли бўлган жисмоний эскириш қиймати қўшилади.</i>	

**Устунлар (тиргаклар, таянчлар)
Ёғоч устунлар**

19-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
Катта бўлмаган бўйлама эгилиш, ёғочларда маҳаллий шикастланиш белгилари	эгилиш устун баландлигидан 1/400 гача	0 – 40	шикастланиш белгиларини бартараф этиш, айрим қисмларни кучайтириш
Ёғочни ташқи қатламининг чириши, сезиларли ёрилиши ва ёғочнинг қисман зарарланиши	кесим юзанинг 10 % гача чириши, устун эгилиши баландлигидан 1/100 нисбатгача	41 – 60	чиришдан тозалаш, кўндаланг кесим юзининг дастлабки ҳолатини тиклаш
Ёғочнинг чириши белгилари, ёриқлар, қатламланиши, эгилиш, толаларнинг узилиши	устун эгилиши баландлигидан 1/100 нисбатгача	61 – 80	устунларни алмаштириш

Ғишт устунлар

20-жадвал

Эскириш белгилари	Миқдорий баҳолаш	Жисмоний эскириш, %	Ишларнинг тахминий таркиби
